

ПОЙДЕВОР МУСТАҲКАМ БЎЛСА

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов 2014 йилни “Соғлом бола йили” деб эълон қиласар экан, қуидаги фикрларни баён этган эди:

“Боланинг жисмоний ва психологик ривожланишидаги энг асосий давр – бу бошланғич синф давридир... Қабул қилинган дастурда бошланғич таълимнинг сифатини ошириш, таълим стандартлари, ўқув дастурлари, дарслик ўқув қўлланмаларни такомиллаштириш, илфор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш масалалари ўз ифодасини топиши керак”.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 19 февралдаги “Соғлом бола йили”, “Давлат дастури тўғрисида”ги ПҚ-2133-сонли қарорининг 71-бандида қуидаги масалалар ўз аксини топган.

Булар:

- 1-4 – синфлар учун шу ёшдаги болаларнинг психологик-физиологик ўзига хосликларини инобатга олган ҳолда ўқув дастурлари ва дарсликларни танқидий кўриб чиқиш:

- Илфор педагогик ва ахборот коммуникация технологияларини бошланғич синф ўқитувчилари фаолиятига жорий этиш бўйича методик қўлланмаларни ишлаб чиқиш ва нашр этиш:

- Бошланғич синфлар дарсликлари учун мультимедиа ишламаларини босқичма – босқич ишлаб чиқиш (2014-2017 йиллар):

Бошланғич таълимнинг асосий мақсади: боланинг ўқишга бўлган ижобий муносабатини, бугунги кунда энг зарур бўлган ўқиш саводхонлиги, турли маълумотлар билан ишлаш, асосий математик амалларни билиш ва уларни кундалик ҳаётда қўллай олиш, мантикий ва ижодий фикрлаш, ўз-ўзини бошқариш, жамоада ўзини тута билиш, ёзма ва оғзаки мулоқот маданияти қоидаларини эгаллаш, таълимий фаолиятни ташкил этиш каби кўн икмаларни шакллантиришдан иборатdir.

Бошланғич синф ўқитувчисининг касбий салоҳияти ва маълумот даражаси, болалар психологияси, ҳозирги замон бошланғич таълим методикасини билиши, бошланғич таълим сифатини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Бошланғич синф ўқувчиларида зарур кўнималарни шакллантириш, бошланғич таълим сифат-самарадорлигини янги босқичга кўтариш, ўқитишининг замонавий усул ва воситаларни амалиётга жорий этиш мақсадга мувофиқdir. Ўқитувчи бу жараёнда шахснинг ривожланиши, шаклланиши, билим олиши ва тарбияланишига шароит яратади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 19 февралдаги “Соғлом бола йил”, “Давлат Дастури тўғрисида”ги ПҚ-2133-сонли қарори ижросини таминлаш мақсадида қуидаги йўналишлар бўйича Ишчи гуруҳи тасдиқланди.

Унга кўра бошланғич синфларда ўтиладиган дарслар: “Саводга ўргатиш”, “Она тили”, “Ўқиши”, “Математика”, “Атрофимиздаги олам”, “Русский язык”, “Чтения” фанларидан мультимедиа воситалари ёрдамида методик қўлланма ишлаб чиқилди ва умумий ўрта таълим мактабларига тақдим этилди.

Ушбу яратилган мультимедиа иловаларидан ўқитувчи мавзуни тушунтиришда, ўқувчини қузатиб фикр юртишда, тажрибалар ўтказишида, ўқув материалларни ўқувчи томонидан ўзлаштирилишини интерфаол, тез ва қулай назорот шаклларда ўтказишида имкон беради. Демак, бундай ҳолатда эгалланган билимлар текширилади, мустаҳкамланади, умумлаштирилади. Дарсликда берилган мультемедиа иловалари ўқувчиларни нутқини ўстиришда, матн тузишда намойиш этилаётган материал юзасидан ўқувчиларда кенг тушунчалар ҳосил қилишида, ифодали ўқиши ва сўзлаш маданиятини шакллантириш ўқитувчига ёрдам бўлади.

Бу борада Тошкент вилояти педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти “Мактабгача ва бошланғич таълим” кафедраси профессор – ўқитувчиларининг олиб бораётган ишлари диққатга сазовор деб айтиш мумкин. **“Кафедрамиз профессор – ўқитувчиларидан И.В.Макухинанинг “Русский язык” ҳамда Г.Боймуродованинг “Ўқиши” китобларига муаллифлик қилганларни биз учун қувончли ҳолдир”**, дейди кафедра мудири Ш.Мирзахматова.

Бундан ташқари кафедранинг барча профессор – ўқитувчилари республика ҳамда Тошкент вилоятининг барча умумий ўрта таълим мактабларида бўлиб, ушбу қўлланмаларнинг тақдимоти ҳамда мультемедиа иловаларидан фойдаланиш усуллари юзасидан бошланғич синф ўқитувчилари учун ўқув семинарларини ташкил қилишмоқда.

2014 йилнинг 15 декабря Чирчиқ шаҳридаги 8 – умумий ўрта таълим мактабида бўлиб ўтган ўқув–семинари ҳам айнан шу мақсадга йўналтирилди. Ушбу ўқув – семинарда “Мактабгача ва бошланғич таълим” кафедрасининг катта ўқитувчилари И.Макухина ҳамда М.Абдуллаевалар иштирок этиб, биринчи синфлар учун етти номда яратилган дарсликлар ҳамда мультемедиа иловаларининг тақдимотини ўтказишиди. Ўқув – семинарда иштирок этган 117 нафар бошланғич синф ўқитувчилари ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олишгани ҳамда бундан мамнун эканликларини таъкидлашди.

Бошланғич таълимнинг сифат ва самарадорлигини оширишга қаратилган бу ишлар, ўқитувчининг ўз дарсларини ташкил этишда илгор педагогик ва ахборот коммуникация технологияларидан унумли фойдаланиш учун шароит яратиб, мустақил мамлакатимизга соғлом фикрли, интеллектуал салоҳиятга эга бўлган ёш авлодни етказиб беришда муҳим ўрин тутади.

Тошкент вилояти педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ва 8- умумий ўрта таълим мактаби ўртасида икки томомнлама шартнома имзоланган. Шартномага кўра хар ойда малака ошириш институти тингловчилари “мактабгача тарбия ва бошланғич таълим” кафедраси катта ўқитувчиси М.Ж. Абдуллаева рахбарлигига мактабга ташриф буюриб, бу ерда фаолият кўрсатаётган бошланғич синфларнинг тажрибали педагогларидан дарсларни инновацион технологиялар билан ўтишини турли таълим технологияларидан ўз ўрнида самарали фойдаланишни ўрганиб кетмоқдалар. 15 декабрь кунидаги семинар доирасида малака ошириш институти тингловчилари кўчма машғулотларини самарали ўтказишлари учун етарли шарт-шароитларни яратиб берган 8-мактаб директори З.С. Саттаровага, замонавий пед технологиялар асосида дарсларни ташкил этиб, институт тингловчилари ва ўқитувчилари эътирофига сазовор бўлган З.А. Расулова ва М.А. Адиловаларга институт ректори Р.К. Чориевнинг ташаккурномаси ва фахрий ёрлиқлари топширилди.

Расулова Зумрад Анваровна